



Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий газетаси
1990 йил 1 мартдан чиқа бошлаган.



Бугуннинг гапи

№ 01 (738) 15.01.2024 | ۰۶.۰۷.۱۴۴۵

Дарё бўйида бўлсангиз ҳам, сувни исроф қилманг!

Аллоҳ таоло Ерни яшашга қулай қилиб яратиб, унда сувларни оқизиб, турли ўт-ўлан, дарахтларни ўстириб қўйди. Сув Раббимизнинг улкан неъматидир. Рангсиз, таъмсиз, ҳидсиз суюқлик танамизни тетиклаштиради, жисмимизни, либосларимизни поклайди, ташналигимизни қондиради, ҳаётимизнинг давом этишига сабаб бўлади.

Инсон овқатсиз бир-икки ҳафтагача яшаши мумкин, аммо сувсиз уч кунга ҳам чидай олмайди. Агар одам танасидаги сув ўн беш фоизга камайса, у ҳалок бўлади. Мутахассислар фикрича, инсон танасининг аксар қисми сувдан иборат. Масалан, чақалоқ



оғирлигининг етмиш беш фоизини сув ташкил этади.

Сув инсоннинг ҳаёт кечириши учун асосий қувват манбаидир. Бунга яна одамнинг покланиши учун ва бошқа мақсадларда ишлатадиган суви ҳам қўшилса, обиҳаёт қанчалик зарур

ва бебаҳо неъмат экани ойдинлашади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай марҳамат қилади: «...**Барча тирик мавжудотни сувдан (пайдо) қилганимизни кўрмадиларми?!**» (Анбиё сураси, 30-оят).

5-бетда

Ислом сабоқлари

Қўшни ҳақи иймонга дахлдордир

Абу Шурайх Ҳузоъий розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Ким Аллоҳга ва охирага келтирган бўлса, қўшини-сига яхшилик қилсин. Ким Аллоҳга ва охирага келтирган бўлса, меҳмонини икром қилсин. Ким Аллоҳга ва охирага келтирган бўлса, яхшиликни гапирсин ёки жим турсин”**, дедилар (Имом Муслим ривояти). Қўшнига яхшилик қилиш ва унга озор бермаслик кишининг Аллоҳ таолога ва охирага келтирилган бўлган иймонидан дарак.

Мўмин барча амалларини муҳаббат ва холислик ила адо этиши лозим. Охирага бўлган иймон орқали эса, ҳар бир амал учун у кундаги савол-жавоб оқибатида мукофотга эга бўлиш ёки азобда қолиш эслатилади. Кимнинг Аллоҳга ва охирага иймони бўлса, яхшилик қилади ва ёмонликдан қайтади.

Ойша онамиз ва Ибн Умар

розияллоху анҳумодан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Жаброил мени доим қўшни ҳақида яхшиликка буюрганидан, уни меросхўр қилиб қўярмикин, деб ўйладим”**, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: **“Ким Аллоҳга ва охирага келтирилган бўлса, қўшнисига озор бермасин!”** (Имом Бухорий ривояти).

Бошқа бир ҳадисда: **“Аллоҳга қасам, иймон келтирмабди, Аллоҳга қасам, иймон келтирмабди, Аллоҳга қасам, иймон келтирмабди”**, дедилар. “Ким, ё Расулуллоҳ?” дейилди. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Қўшнисини унинг ёмонлигидан омон бўлмаган киши”**, дедилар», дейилган.

Баъзида айрим кишиларнинг озорларидан безор бўлган қўшнilar улардан ўзини узоқроқ тутишга

ҳаракат қилишларига гувоҳ бўламиз. Мазкур ҳадислардаги хабарлар айнан мана шундай кишилар ҳақида.

Қўшнига асло озор етказмаслик ва керак бўлса, ёрдамни аямаслик лозим. Шунингдек, онда-сонда бўлса-да, қўшнига ҳадя бериб туриш, хурсандчилигига шерик бўлгандек, ғам-ташвишига ҳам шерик бўлишнинг савоби катта.

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Мусулмон мусулмоннинг биродари, унга зулм қилмайди ва уни хорламайди. Ким биродарининг ҳолатини раво қилса, Аллоҳ унинг ҳолатини раво қилади. Ким мусулмондан бир ғамни кетказса, қиймат куни Аллоҳ унинг ғамларидан бирини кетказди. Ким бир мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ унинг айбини қиймат куни беркитади”**, дедилар (Муттафақун алайҳ).

2-бетда

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

- ✓ 18 декабрь. Фарғона вилояти Фурқат туманидаги “Ингичка” жоме масжиди қайта бунёд этилди.
- ✓ 19 декабрь. Муфтий, Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларининг “Раббоний нидолар” номли китоби нашрдан чиқди.
- ✓ 19 декабрь. Фатво маркази уламоларининг “Фикҳ ва ақидага оид ихтилофли масалалар ечими” китоби нашр этилди.
- ✓ 20 декабрь. Хива туманидаги “Шайх Мавлон бобо” жоме масжидининг янги биноси очилди.

Ижобатли дуолар

Таҳоратдан олдин етти марта

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло айтади: **“Лаа илаҳа иллаллоҳ – қўрғоним, ким қўрғонимга кирса, азобимдан омонда қолади”**». Сўрашди: “Уни айтган кишининг фазилати қандай, ё Расулуллоҳ?”. У зот: **“Уни фақат Аллоҳ билади. Ким таҳорат қилишидан олдин етти марта “Лаа илаҳа иллаллоҳ” деса, жаннатда унга дунё кабисининг йигирматаси берилади”**, дедилар.

Қуръонни унутмаслик учун

Али ибн Абу Толиб розияллоху анҳу Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга Қуръонни унутаётганини шикоят қилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам унга: **“Аллоҳим, Қуръон билан кўксимни ёрит, Қуръон билан тилимни бурро қил. Қуръон билан қалбимни оч, умрим давомида мени Қуръонга амал эттир, деб дуо қил”**, дедилар. Шундан кейин Аллоҳ таоло Али розияллоху анҳудан унутишни кетказди.

✍ Ҳаким Термизийнинг “Оқиллар ва алданганлар” рисоласидан

Ҳур диёрим – улуғ, бурчим – муқаддас

Миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳияти ҳарбийларимизнинг жанговар тайёргарлиги, чаққонлиги ва тезкорлиги билан баҳоланади. Бугунги кунда ана шундай шижоатли ўғлонлар юрт сарҳадларини сергаклик билан қўриқламоқдалар.

Чегарачиларимизнинг машаққатли вазифалари динимизда ҳам эътироф этилган. Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилиб айтганлар: **“Кечалари Аллоҳ йўлида тунлари посбонлик қилиб мижжа қоқмаган кўзни дўзах оташи куйдирмайди”**.

Бугунги кунда дунёнинг ўнлаб мамлакатларида беқарорлик, террорчилик, наркобизнес каби чегара танламас кучлар халқаро хавфсизликка кучли таҳдид солмоқда. Бу ҳолат ўз навбатида барчамизни янада огоҳ ва сергак бўлишга, мусаффо осмонимиздаги тинчлик учун шукроналик ҳисси билан яшашга, барқарорлик ва осойишталикни асраб-авайлашга ундайди. Бу йўлда ўзаро бирдамлик, ижтимоий ҳамжиҳатликнинг аҳамияти чексиздир. Зеро, Конституциямизнинг 64-моддасида

ёзилганидек: «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар».

Мустақиллик йилларида миллий армиямизни замонавий талаблар асосида ислоҳ этиш йўлида қилинган саъй-ҳаракатлар, аввало, тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, сарҳадларимиз дахлсизлиги, осмонимиз мусаффолигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ҳозирда шонли Қуролли Кучларимиз сафида йигитлик бурчини адо этиш энг шарафли бурча айланди. Армия кўмондонлигининг талаби ҳам тубдан ўзгарди, ёш аскарлар билан улар ўртасидаги муносабат ўзаро тушуниш, кичикдан итоат, каттадан адолат қилиш тартиб-қоида асосида амалга оширилмоқда. Бу борада ҳадиси шарифда «Кичикларимизга раҳм-шафқат қилмаган ва катталаримиз қадрини билмаган биздан эмас», дейилади.

Юртимиз сарҳадларини қўриқловчи ҳарбий хизматчилар ҳам тинч ва осойишта яшашимиз учун ўзининг ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб, ҳамиша огоҳ ва сергак туриб тунни тонгга улаб эл-юрт олқишини олаптилар. Расули акрам солаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилганларидек: **«Ким Аллоҳ таоло йўлида бир кун ёки бир кеча чегара пойласа, унга бир ой кундузи рўза тутиб, кечаси ибодат қилганлик савоби ёзилади. Ким сарҳадни қўриқлаб турганда ҳалок бўлса, унга ҳам худди шундай ажру савоб мукофоти бўлади ва шаҳидлик**

мақоми берилиб, барча фитналардан омонда бўлади».

Асл ватанпарвар ўз юрти ва элига муҳаббати туфайли моли, куч-қудрати тугул жонини ҳам аямайдиган, халқи ва ватанининг фаровонлиги учун бор-будини фидо қилувчи инсондир. Шундай экан, ёшларни она Ватанга, эл-юртга сadoқат руҳида тарбиялаш бундан кейин ҳам ҳар бир мўмин-мусулмон, айниқса, азиз ота-оналаримизнинг шарафли бурчи бўлиб қолсин.

Отабек ЙЎЛДОШЕВ,

Арнасой тумани бош имом-хатиби

Отабек Йўлдошев 1975 йилда Жиззах вилояти Дўстлик туманида туғилган. Имом Бухорий номдаги Тошкент ислом институтини битирган. 2003–2008 йилларда Дўстлик туманидаги “Янги қишлоқ” жоме масжиди имом ноиби, 2008–2015 йилларда Тошкент туманидаги “Ҳожи ота” жоме масжиди имом-хатиби, 2015–2020 йилларда Жиззах вилояти Пахтакор тумани бош имом-хатиби, 2020–2022 йилларда Пахтакор туманидаги “Шо-мурод ота” жоме масжиди имом-хатиби, 2022 йилдан буён Арнасой тумани бош имом-хатидир.



Мутолаа

Хоҳиш-истаклар ва ғурурга зид бўлган ҳақиқатни рад этиш энг даҳшатли нафс касаллиги саналади. Бунга чалинган одам нафсини жиловлай олмайди ва унга қарши туrolмайди. Натижада нафсига мағлуб бўлади ва ғолиб нафс ўз эгасини истаганча бошқара бошлайди. Аллоҳ таоло нафсни назоратда тутиш учун: «... **Энди сизни йўқдан бор қилувчи Зотга тавба қилинг, ўзингизни ўзингиз ўлдиринг. Шундай қилмоғингиз сизни йўқдан бор қилувчи Зот ҳузурида сиз учун яхшидир...**», деб буюрган (Бақара сураси, 54-оят).

Ишорий тафсир муфассирлари оятдаги **“ўзингизни ўзингиз ўлдиринг”**ни “ҳар бир инсон нафсини поклаши учун уни хорлаши, қоралаши ва маънан

ўлдириши керак”, деб тафсир қилганлар.

Муолажа услуби

Бу касалликнинг энг яхши давоси – бекорчи ва фойдасиз ишларни тарк қилиш, Аллоҳ таолога бутун қалб ила интилиш ва Унинг иродасига тўлиқ бўйсунуш ҳисобланади.

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга Исмоил алайҳиссаломни қурбон қилишни буюрганда у зотнинг итоатини синамоқчи эди. Иброҳим алайҳиссалом Раббининг амрига тўлиқ бўйсуниб, синовдан муваффақиятли ўтди.

Бу ҳақда Софат сурасининг 103–105-оятларида: **«Икковлари**

таслим бўлиб, уни пешонасича ётқизганида, биз унга нидо қилдик: “Эй Иброҳим! Батаҳқиқ, сен тушни тасдиқ қилдинг! Албатта, Биз гўзал иш қилгувчиларни мана шундай мукофотлаймиз”» дейилган.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга қурбонлик қилиш учун бир кўчқор ато этди. Натижада Исмоил алайҳиссаломнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Жунайд Бағдодий раҳимахулоҳ: “Ким бу дунё билан алоқани сақлаб қолса, Аллоҳ унга жаннатни ман қилади”.

Ибн Яздонийрдан: “Банда қандай ният билан Аллоҳга интилиши керак?” деб сўрашди. У: “Аллоҳ ризолиги учун воз кечган

нарсаларига ҳатто ўгирилиб ҳам қарамаслик ва содир қилган гуноҳларига асло қайтмаслик билан”, деди. Бундай жавобдан кейин: “Бу сўзларингиз тавба қилган гуноҳкорларга тегишли. Аллоҳга ишончи заиф одам қандай ният билан интилиши керак?” деб сўрашди. Олим: “Ўтмишдаги муваффақиятсизлик ва қайғуларга ғарқ бўлишни тўхтатиб, келажакдаги ҳолати яхши бўлишини қалбан чуқур ҳис этиб, Аллоҳга интилсин”, деб жавоб берди.

Абу Абдураҳмон Сулабийнинг
“Нафс иллатлари ва уларнинг муолажаси” китобидан
Даврон НУРМУҲАММАД
таржимаси

Динимизни ўрганамиз

1-бетда

Амр ибн Шуайб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: **“...Кўшни ҳақи нима эканини биласанми? Агар ёрдам сўраса, ёрдам бериш, қарз сўраса, қарз бериш, фақир (муҳтож) бўлиб қолса, егулик бериш, касал бўлса, бориб кўриш, унга яхшилик етса, қутлаш, мусибат етса, таскин бериш, вафот етса, жанозасида иштирок**

этиш, унинг изнисиз ўз уйини баланд қилиб қурмаслик, қозонда қовурилайётган гўшт ҳиди билан озор бермаслик (гўшдан унга ҳам бериш)...” деб марҳамат қилдилар (Имом Хароитий ва Имом Табароний ривояти).

Юқоридаги ҳадислардан кўшнилари билан муомалани гўзал қилиш ва уларга озор бермаслик вожиб экани аёнлашади. Аллоҳ таоло мазкур

суннатларга амал қилиб, кўшнилари билан хушмуомала бўлишни насиб айлсин!

Абдуҳалим Олимов 1974 йил Сурхондарё вилояти Сариосиё туманида туғилган. 1998 йил “Саид Оталиқ” ўрта-махсус ислом билим юртини битирган. 2017 йилдан бери Сариосиё тумани “Мавлоно Абдулҳай” жоме масжиди имом-хатиби вазифасида ишлаб келмоқда.



Абдуҳалим ОЛИМОВ,
Сариосиё тумани “Мавлоно Абдулҳай”
жоме масжиди имом-хатиби

Намоздан олдинми ё кейин?..

Анас розияллоху анхундан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: **“Агар кечки таом берилса, уни шом намозини ўқишдан олдин бошланг. Кечки овқатингизни (ейишда) шошилманг”**, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Мадина аҳли кечки овқатни шом намозидан олдин ейишган. Кўпинча овқат намоз вақтида ҳозир бўлар эди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом кечки овқат билан шом намози бир пайтга тўғри келганда, олдин овқат ейиш кераклигини ўргатганлар.

Намоз Аллоҳ таоло билан боғланиш риштасидир. Ибодат тўғри ва савоблари мукаммал бўлиши учун хушу, хузу, тазарру ва ихлос билан адо этилмоғи лозим. Ҳар қандай чалғитувчи нарса кишининг хушу ва қалб ҳозирлигини кесади.

Айниқса, мазали таом намоз ўқиладиган вақтда ҳозир бўлса, намозхоннинг ҳаёли овқатга чалғиб, Аллоҳ таолонинг ҳузурини тургани ёдидан чиқади.

Мана шундай ҳолатнинг олдини олиш учун таомдан бироз тановул қилинса, нафс тинчланади, намозхон чалғимайди.

Ривоятда келтирилишича, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анхумо намоз билан овқат бир вақтга

тўғри келиб қолса, аввал овқат ерди.

Уламолар юқоридаги ҳадисда фақат шом намози эмас, балки бошқа намозлар ҳам назарда тутилган, дейишади. Шунингдек, таомга кучли иштаҳа ёки очлик ҳисси бўлса, айниқса, ифторлик пайтида олдин овқат ейишга рухсат берганлар.

Хайрулободий ҳазратлари Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг: “Овқатим намозимда бўлганидан кўра, намозим овқатимда бўлгани афзал”, деганларини қаттиқ иштаҳа ёки очлик пайтида олдин овқат еб олиш лозимлигига далил қилган.

Шунингдек, кишининг қорни тўқ ёки намозда хушуси кетадиган даражада оч бўлмаса, жамоатга эргашиши шартдир. Овқат ейиш жамоат билан намоз ўқишдан тўсмаслиги ёки намознинг қазо бўлишига сабаб бўлмаслиги лозим.

Аллоҳ таоло ҳар бир ишда ҳикматли ва марҳаматли Зотдир. Ҳар бир намозхоннинг жисмонан ва қалбан покланишини истайди. Намоз шунчаки кетма-кет махсус ҳаракатларни бажариб, қироат қилиш эмас, аксинча оламлар Рабига муножот ва У Зотга қулликни, бандаликни ва бечораликни изҳор қилишдир.

Бугунги ҳолатга эътибор берилса, намоз бор, хушу йўқ. Қироат бор, нечанчи ракатда экани ёддан

чиққан. Ракати аниқ бўлса, тижорат, пул, қайсидир муаммога ечим излаш каби кундалик ташвишлар ҳаёлни банд этган. Ҳатто ҳадеганда келавермайдиган ғоя ва гўзал фикрлар намозда уйғониб қолади.

Улуғларимиз намозни бошлаганларида ён-атрофдан узилиб, ҳаловатини топар, Олий Зотнинг ҳузурини бирор нарсани ўйлашдан ҳаё қилардилар. Намозни роҳат, роҳатни намозда, деб билганлар. Зеро, саҳоба Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анхумо юқоридаги ҳадиси шарифнинг ҳикмати мукаммал англаб: “Қалбимизда бир нарса бўлса, намозга турмас эдик”, деган.

Фахриддин МУҲАММАД НОСИР,
Имом Бухорий номидаги Тошкет ислом
институтини “Ҳадис ва Ислом тарихи”
кафедраси катта ўқитувчиси



Муқаддас манзиллар

Муҳожир саҳобалар суффаси

Суффа — **Равза** яқинидаги тўртбурчак супага ўхшаш жой. Бу жой суффанинг асл ўрни бўлиб, лекин доимий эмас, чунки масжид кенгайтирилганида Суффа масжиднинг шарқига кўчирилган. Равза эса, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам уйлари ва минбари орасидаги жой.

Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Уйим билан минбарим орасида жаннат равзаларидан бир равза бор”**, дедилар (Имом Аҳмад ривояти). Суффанинг бир томони Масжиди Набавийнинг Нисо эшиги томонда бўлган, ўнг томонида Жаброил дарвозаси ва Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам дафн этилган уйлари билан девори жойлашган.

Дастлаб Суффа масжиднинг шимоли-шарқий бурчагида бўлган ва Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам Суффани соя қилиш учун хурмо барглари билан устини ёпишни буюрганлар. Шунинг учун у “ас-Суффа” ёки “аз-Зуллоҳ”, яъни **“Соғли жой”** деб номланган.

Умавийлар халифаси Валид ибн Абдулмалик масжидни кенгайтир-

ганда Суффанинг жойлашуви ҳозирги **“Диккатул ағват”** деб аталадиган жойга кўчирилган. Мадинада қариндошлари бўлмаган, уйсиз ва турмуш қурмаган муҳожирлар Суффада истиқомат қилишган ҳамда у ерда асосан Куръон ва суннатни ўрганишган. Бу саҳобалар **“Асҳабус суффа”** деб аталган, бу эса **“Суффа соҳиблари”**, **“Суффа аҳли”** деган маънони англатади. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам улар билан бирга ўтирар, суҳбат қулар ва уларни овқатга чақирар, ичимликларини баҳам кўрар, уларни ўз қарамоғига олган эдилар.

Баъзи олимлар бошпанаси йўқ ғариб кишилар масжид эшиги ёнида саф бўлиб туришгани сабабли улар **“Асҳабус суффа”**, яъни **“сафланиб туривчилар”** деб номланганини айтади.

Асҳоби суффанинг энг кўзга кўринган вакили Абу Ҳурайра розияллоху анху эди. Абу Ҳурайра розияллоху анху ривоят қилади: **“Асҳабус суффа”дан етти кишини кўрганман. Уларнинг эгиларида фақатгина**

ридо ёки изор ё бўйинларига ўраб олишган бирор кийим бўларди. Баъзилариники болдирларининг ярмига етса, баъзилариники тўпиқларига етарди. Аврати кўриниб кетишидан хавфсиз раб кийимини кўли билан чангаллаб туришарди” (Имом Бухорий ривояти).

Фазола ибн Убайдуллоҳ розияллоху анхундан ривоят қилинади: **“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам одамлар ила намоз ўқиганларида баъзи кишилар ўта очликдан намозда йиқилиб тушар эдилар. Улар аҳли Суффадан эдилар. Аъробийлар: “Анавилар жиннилар”, дейишарди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам қачон намоз ўқиб бўлсалар, уларга бурилиб: “Агар сиз учун Аллоҳнинг ҳузурини нималар борлигини билганингизда, фақирлигингиз ва ҳожатмандлигингиз яна зиёда бўлишини хоҳлаган бўлар эдингиз”, дер эдилар” (Имом Термизий ривояти).**

Пўлатхон КАТТАЕВ,
Имом Бухорий номидаги Тошкент
ислом институтини катта
ўқитувчиси

Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: Ғийбат ҳақида маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: Ғийбат катта гуноҳ ва ҳаром амаллардандир. Аллоҳ таоло огоҳлантиради: **«Эй иймон келтирганлар!...баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилманг! Сизлардан бирор киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни хоҳлайдими? Ҳа, ёмон кўрасизлар...»** (Ҳужурот сураси, 12-оят).

Абу Ҳурайра розияллоху анху ривоят қилади: **«Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан: “Ё Расулуллоҳ, ғийбат нима?” деб сўрашди. Пайғамбар алайҳиссалом: “Биродарингиз унга ёқмаган сифатлар билан эслашинг”, дедилар. Шунда: “Биродаримда мен айтган сифат бўлса-чи?” дейишди. Набий алайҳиссалом: “Агар айтганинг унда бўлса, ғийбат қилган бўласан, бўлмаса, бўхтон қилган бўласан”, дедилар» (Имом Абу Довуд ривояти).**

Абу Саид Худрий розияллоху анху ривоят қилади. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: **«Исро кечасида ўз танасидаги бир парча гўштни кесиб, еб турган қавмнинг олдидан ўтдим. Жаброил уларга: “Биродарларингиз гўштини еганингиздек, еяверинглар”, деди. Мен ҳайратланиб: “Эй Жаброил, улар кимлар?” деб сўрадим. Жаброил: “Улар умматингиз орасидаги ғийбатчилардир”, деб жавоб берди» (Имом Аҳмад ва Имом Абу Довуд ривояти).**

САВОЛ: Хотирасида Куръон суралари ёзилган телефон билан ҳожатхонага кириш мумкинми?

ЖАВОБ: Мумкин. Уламоларимиз хотирасига оятлар ёзилган уяли телефонни инсон хотирасига қиёслашади. Аммо телефон ойнасида ояти карима ё зикрлар, Аллоҳ лафзи ёки Пайғамбаримизнинг исмлари кўриниб турса, у билан ҳожатхонага кириб бўлмайди.

Анас ибн Молик розияллоху анхундан ривоят қилинади: **“Набий соллаллоху алайҳи ва саллам халога кирганларида узукларини ечар эдилар” (Имом Термизий ривояти).** Чунки у зотнинг узукларида “Муҳаммадур Расулуллоҳ” ёзуви бор эди.

5-бетда

Ёмон сўзнинг одам ДНКсига таъсири

Юксак тараққиётга эришган бугунги илм-фан ғийбатнинг инсон танасига зарар етказишини исботлади. Россия Фанлар академиясининг Квант генетики институти олимлари олиб борган изланишлар натижа-сида ёмон сўзнинг салбий оқибатлари аниқланди. Маълум бўлишича, сўзлар шаклида тақдим этилган электромагнит тебранишлар ДНК молекулаларининг хусусиятлари ва тузилишига бевосита таъсир қилар экан.

Замонавий илмий тадқиқотларга кўра, ғийбат қилишга мойил бўлган одам ўзини нафақат абадий, балки дунёвий азобларга ҳам маҳкум қилади. Айтган сўзларининг салбий оқибатини билмаслиги сабабли бу контекстдаги “азоб” сўзи одамга оддий сўз бўлиб туюлиши мумкин. Бу ҳаракатлар молекуляр даражада содир бўлади ва фақат вақт ўтиши билан одам бундай таъсир натижасини касаллик, руҳий бузуқлик, бошқалар билан токсик муносабатлар ва ҳоказолар шаклида ҳис қила бошлайди.

Агар нутқ одобсиз ва нохуш сўз бирикмаларидан иборат бўлса, ДНК молекулаларида салбийликнинг кўплигидан “ёмон дастур” ёки “ўз-ўзини

йўқ қилиш” дастури “ишга тушади”. Яъни, ўз-ўзини йўқ қилишга қаратилган жараёнлар ҳаракатлана бошлаб, ДНК тузилишининг ўзгаришига олиб келади. Айтилишича, ҳақоратли сўз нурланиш кучи минг рентгенга тенг даражада ирсий материалнинг ўзгаришига олиб келадиган омил – мутаген таъсирга эга бўлар экан.

Ижобий маънога эга сўзлар муносиб таъсирга эга. Мисол тариқасида саҳобалар билан бўлиб ўтган бир воқеани келтирсак.

Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинишича, бир куни бир гуруҳ саҳобалар сафарга чиқади. Улар бир манзилгоҳга етиб келгач, дам олиш учун бошпана сўрашди, лекин рад жавобини олдилар. Бир муддат ўтиб, ушбу қишлоқ оқсоқолларидан бирини илон чакқани ва унга ҳеч ким ёрдам бера олмагани маълум бўлади. Улар ёрдам сўраб: “Оқсоқолимизни илон чакди, ҳеч бир чорамиз ёрдам бермади, сизда бирор нарсаси борми?” дея меҳмонларга мурожаат қилишди.

Саҳобалар: “Ҳа, бизда дуо бор, лекин сиз бизни меҳмон қилишдан бош тортдингиз ва фикрингизни

ўзгартирмагунингизча сизларга ёрдам бермаймиз”, деб жавоб беришди. Улар рози бўлгач, беморга Фотиҳа сурасини ўқишди. Шундан сўнг у дарҳол шифо топди.

Бундан ташқари, кишининг танасидаги ДНК даражасида содир бўлган ўзгаришлар унинг авлодларига ўтади. Яъни, “Агар мен ғийбат қилиб, беодоб сўзларни ишлатадиган бўлсам, менинг авлодларим ҳам бунга мойил бўладими?” деган савол туғилади.

Айнан шундай. Авлоддан-авлодга ўтадиган, асоси олдинги авлодларнинг нутқи билан негизланган “генетик мерос”да ўз-ўзини йўқ қилиш жараёнларининг таъсири кучаяди.

Шунингдек, ДНК учун гапирувчи ким бўлиши муҳим эмаслиги аниқланди. ДНКнинг тузилишига нафақат одамнинг айтганлари, балки эшитганлари ҳам таъсир кўрсатади. Агар бирор киши радио ёки телевизорда, ҳатто суҳбатда бошқа одамнинг оғзидан сўқиниш, қарғиш ёки бошқа ёмон сўзларни эшитса, бу шу сўзларни худди унинг ўзи айтгандек салбий таъсир қилади. Дарвоқе, Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят

қилинган ҳадисни эслайлик: **“Тингловчи ғийбат қилувчи гуноҳига шерикдир”** (Имом Табароний ривояти).

Демак, биз куйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

– ДНК тузилишига ҳам айтиланган, ҳам эшитилган сўзлар таъсир қилади;

– инсон нутқининг мазмуни бевосита инсон геноми (организмнинг барча ирсий маълумотлар мажмуи) га таъсир кўрсатади.

Умуман олганда, сўзларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир қилиш имконияти инсониятга қадимдан маълум. Тиббиёт ривожланмаган даврларда одамлар ибодат ва яхши сўзлардан шифо топган, ҳақоратли сўзлар ва лаънатлар эса жоду даражасида қабул қилинган. Модомики, ўша пайтда булар тахминлар бўлган бўлса, бугунги кунда илмий жиҳатдан тасдиқланган фактлардир. Биз, албатта, гапирганимизда, тинглаганимизда ва ўқиганимизда хушёрлигимизни оширишимиз керак.

 Баҳора МУҲАММАДИЕВА
тайёрлади.

Фикҳ

1. Такбири таҳрима айтишда бошни эгмаслик.
2. Такбири таҳримадан олдин иккала қўлни кулоқларгача кўтариш.
3. Такбири таҳрима пайтида кафтларни қиблага қаратиб очиш.
4. Қўллар кўтарилаётганда бармоқлар ўз ҳолида бўлиши.
5. Такбири таҳримадан сўнг қўлларни пастга осилтирмай, дарҳол киндик остида боғлаш (аёллар кўкраклари устига).
6. Қўл боғлашда ўнг қўлнинг бош бармоғи ва жимжилоғи билан чап қўл билагининг кафтга уланган қисми ушланади. Қолган уч бармоқ чап билак устига ёйиб қўйилади. Аёллар эса ўнг қўл кафтини чап қўл кафт устига қўйсалар, кифоя.
7. Қўл боғлаганидан сўнг Сано дуоси (“Субҳанакаллоҳумма...”)ни ўқиш.
8. Сано дуосидан кейин “Аъзу биллаҳи...”ни ўқиш.
9. Имом ва ёлғиз намозхоннинг Фотиҳа сурасидан олдин “Бисмиллаҳ...”ни ўқимоғи.
10. Фотиҳа сурасидан сўнг ичида “Омийн” дейиш.
11. Имомнинг “Самияллоху лиман ҳамидаҳ” дейиши.
12. Муқтадийнинг “Роббана лакал ҳамд” дейиши. Ёлғиз намозхон иккисини ҳам айтади.
13. Имомнинг такбирларни баланд овоз билан айтиши.
14. Қиём ҳолатида икки оёқнинг

орасини тўрт бармоқ микдорида очиб туриш.

15. Агар мусофир бўлмаса, бомдод ва пешин намозидида “тиволи муфассал” (Хужуротдан Буружгача), аср ва хуфтонда “авсоти муфассал” (Буруждан Баййинагача), шомда “қисори муфассал”ни (Баййинадан Нассгача) ўқиш. Агар мусофир бўлса, хоҳлаган сурасини ўқийверади.

16. Бомдоднинг аввалги ракатида иккинчи ракатига нисбатан узун кироат қилиш.

17. Рукуга кетаётган вақтда “Аллоху акбар”ни айтиш.

18. Рукуда тиззаларни бармоқлар билан чангаллаш. Аёллар эса кафтларини қўйиб туришади.

19. Рукуда бармоқларнинг кенг очилмоғи. Аёллар бармоқларини очмайди.

20. Рукуда болдирларни тик туриш.

21. Рукуда эркакларнинг орқа ва бошлари баробар (текис) бўладиган даражада эгилишлари. Аёллар эса қўллари тиззаларигача етадиган даражада эгилсалар, кифоя.

22. Рукуда энг камида уч марта “Субҳана Роббиял ʼазим”ни айтиш.

23. Рукуда қўлларни қориндан узоқ туришлари. Аёллар ёпиштириб туришади.

24. Саждага кетаётганда “Аллоху акбар” деб, аввал тиззаларни, сўнг

кафтларни, ундан кейин бурунни, ундан сўнг пешонани ерга қўйиш. Кўтарилаётган пайтда аввал пешонани, сўнг бурунни, кейин кафтларни ва охирида тиззаларни кўтариш.

25. Саждада юзни икки кафтнинг ўртасига қўйиш.

26. Саждада қоринни тиззага, билакларни биқин ва ерга теккизмаслик. Аёллар эса, билакларини биқинларига теккизиб, ерга тўшаб турадилар.

27. Саждада қўл бармоқларини жипс қилиб ерга ёпиштириб туриш, оёқ панжаларини қиблага қаратиш.

28. Саждада энг ками уч марта “Субҳана Роббиял ʼаъла” дейиш.

29. Саждадан такбир айтиб туриш.

30. Икки сажда ўртасида ҳамда аввалги ва охириги қаъдада ўнг оёқ қадамини тик қилиб, бармоқлар учини қиблага йўналтириш, чап оёқни ерга тўшаб, унинг устига ўтириш ва икки кафтни бармоқлар учи тиззага етадиган қилиб сонлар устига қўйиш. Аёллар иккала оёқларини ҳам ўнг томонга чиқариб, думбаларини ерга қўйиб ўтирадилар.

31. Фарз намозларининг учинчи ва тўртинчи ракатларида Фотиҳа сурасини ўқиш.

32. Охириги қаъдада “Аттаҳиёт”дан сўнг салавот айтиш.

33. Салавотдан сўнг ҳадисларда келган дуолардан ўқиш.

34. Салом бериш вақтида ўнг ва чапга юзни буриш.

35. Имомнинг иккала саломда муқтадийлар ва муҳофаза қилувчи фаришталарни ният қилиши. Муқтадийлар ўзлари билан бирга намоз ўқувчиларни ва фаришталарни ҳамда имомни ният қилишади. Агар имом ўнг томонда бўлса, ўнг томонга салом беришда, чап томонда бўлса, чап томонга салом беришда, агар рўпарада бўлса, ҳар икки томонга салом беришда уни ният қиладилар. Ёлғиз намозхон фақат фаришталарни ният қилади.

36. Имомнинг саломни баланд овоз билан айтиши.

37. Имомнинг иккинчи саломни биринчи саломга нисбатан пастроқ овозда айтиши.

(“Фатавои Оламғирия”; “Дуррул мухтор”, “Раддул мухтор”).

Суннатлардан бирортасини тарк қилиш билан саждаи саҳв вожиб бўлмаса-да, намоз макруҳ ҳолда адо этилган ҳисобланади. Зеро, суннатни тарк этиш маҳруҳдир (“Фатавои Оламғирия”).

 Ёрқинжон ФОЗИЛОВнинг
“Саждаи саҳв масалалари”
китобидан

Ислом аёлга шараф берди

Жоҳилият даврида аёлнинг нафақат ҳуқуқлари оёқости бўлган, балки жамиятда инсон сифатида ўрни ҳам бўлмаган. Айрим араб уруғлари эса, туғилган қиз болани тириклайин кўмишни одатга айлантиришган.

Ислом келиб аёлларнинг ўрни ва шаънини шарафлади. Аёл — она, сингил, жуфти ҳалол ва қиздир. Уларга алоҳида эътибор қаратди. Ҳатто қиз фарзандни тарбиялаб, одобини гўзал қилишнинг мукофоти жаннат деб эълон қилди.

Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 19-оятда бундай деган: **«Ва улар ила яхшиликда яшанг. Агар уларни ёқтирмасангиз, шоядки, Аллоҳ сиз ёқтирмаган насада кўпгина яхшиликларни қилса».**

Аллома Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ: «Аёлларга ширинсухан бўлинг, имкониятингиздан келиб чиқиб хатти-ҳаракатингиз ва ташқи кўринишингизни гўзал қилинг, уни қандай (кўринишда) бўлишини ёқтирсангиз, сиз ҳам унга шундай бўлинг», деган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Аёл тўрт нарса учун никоҳга олинади: моли, насаби, жамоли ва дини учун. Сен диндорини танлагин, қўлинг тупроққа қорилгур»**, дедилар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Аёл моли, насл-насаби, чиройи

ва дини учун никоҳга олинади. Вақт ўтгани сари чирой кетади, насаб бузилиши, мулк эса заволатопиши мумкин. Аммо буларнинг энг муҳими аёлнинг диндорлиги, Аллоҳга бўлган иймони, муҳаббати ва тақвоси эрнинг ҳам диёнатига катта манфаат ва барака келтиради.

Уламолар қиз фарзанд кўрган кишига хурсандчилик изҳорини кўпайтиришни ҳамда бош фарзанди қиз бўлган келинларни баракали ва қадами қутлуғ, деб улуғлашни таъкидлаганлар. Шунингдек, киши фарзандларига ҳадя бермоқчи бўлса, қизлардан бошлаш лозим, деганлар.

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Кимнинг уч қизи ёки уч сингиллиси ёхуд икки қизи ёки икки сингиллиси бўлиб, уларнинг одобини яхши**

қилган ва улар ҳақида Аллоҳга тақво қилган бўлса, унга жаннат берилур», дедилар (Имом Термизий ва Имом Абу Довуд ривояти).

Имом Шаъбий: **«Кишига аҳли аёли ва ўзига қилган нафақаси учун етти юз мартадан ҳам кўпроқ савоб берилади»**, деган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Сизларнинг ичингизда энг яхшингиз ўз аҳли аёлига нисбатан яхши муносабатда бўлганингиздир. Мен сизларнинг ўз аҳлимга энг яхши муносабатда бўлувчирогингизман»**, деганлар.

Аллоҳ таоло барчамизни ҳидоятда бардавом, оналаримиз, опа-сингилларимиз, аҳли аёл ва қизларимизга гўзал муносабатда бўлишни насиб айласин.

Фаррух АБДУЛЛАЕВ,
Янгийўл тумани «Зайд ибн Собит» жоме
масжиди имом-хатиби



Фаррух Абдуллаев 1978 йил Тошкент вилояти Янгийўл туманида туғилган. 2000–2004 йилларда «Кўкалдош» ўрта махсус ислом билим юртида таҳсил олган. 2004–2007 йилларда Янгийўл тумани «Зайд ибн Собит» жоме масжиди имом-хатиби, 2007–2014 йилларда «Халқобод» жоме масжиди имом-хатиби бўлган. 2014 йилдан буён «Зайд ибн Собит» жоме масжиди имом-хатиби бўлиб ишлайди.

Бугуннинг гапи

1-бетда

Аллоҳ таоло барча нарсаларни бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда, ўзига хос ўлчови ва ҳисоби билан яратган. Бу борада Қуръони каримда бундай дейилади: **«Биз осмондан ҳисоби билан ёмғир сувларини ёғдириб, Ерга ўрнаштирдик. Биз бу сувларни кетказиб, сизларни ундан маҳрум қилиб қўйишга ҳам қодирмиз»** (Муъминун сураси, 18-оят).

Бу ояти карима орқали Ҳақ таоло бизга Ер юзидаги барча нарсалар, жумладан, сув ҳам Ўзининг маълум ҳисоби ва ўлчови билан яратилганини маълум қилди. Шундай экан, сувни исроф қилишга асло йўл қўймаслигимиз зарур.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалардан Саъд розияллоҳу анҳу таҳорат қилаётганида: **«Эй Саъд, бу исроф нимаси?»** дедилар. Саъд розияллоҳу анҳу: **«Таҳоратда ҳам исроф қилиш борми?»** деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ҳа, гарчи оқиб турган дарё бўйида турган**

Дарё бўйида бўлсангиз ҳам, сувни исроф қилманг!

бўлсанг ҳам», дедилар (Имом Аҳмад ва Имом Ибн Можа ривояти).

Ҳатто таҳоратда ҳам ортиқча сув ишлатиш исроф экан, энди қолган нарсаларни қиёслаб олаверинг. Экинга ҳам эҳтиёждан ортиғини ишлатиш исрофдир.

Афсус, сувни исроф қилиш ҳолларига тез-тез гувоҳ бўляпмиз. Жўмраги бузилган сув қувурларидан тоза ичимлик суви шариллаб оқиб ётади. Ўша сувдан ичадиган аҳолидан ҳеч ким: «Кел, шу жўмракни тузаттириб қўяй! Ахир бу сувдан ўзимиз ичамиз-ку! Шунча сув исроф бўлиб оқиб ётмасин. Бу исрофнинг ҳам сўроғи бор», демайди.

Файрат Бозоров 1977 йилда Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Оқработ қишлоғида туғилган. 1995 йилда Шаҳрисабз шаҳридаги «Абдушукур Оғалиқ» мадрасасини битирган. 2006 йилдан бери Деҳқонобод туманидаги «Оқработ ота» жоме масжиди имом-хатибидир.



Файрат БОЗОРОВ,
Деҳқонобод туманидаги «Оқработ ота»
жоме масжиди имом-хатиби

Масала

3-бетда

САВОЛ: Хотин вафот этган эридан мерос олади-ми?

ЖАВОБ: Ҳа. Агар вафот этган эрнинг ундан ё бошқа хотинидан фарзанди бўлмаса, хотин эрнинг дафн харажатлари, қарзи ва васиятидан кейин қолган молидан тўртдан бирини — (25% ини) олади. Ояти каримада бундай марҳамат қилинади: **«У (хотин)ларга сизлар қолдирган (мерос)дан агар фарзандларингиз бўлмаса, тўртдан бир (ҳисса) тегур...»** (Нисо сураси, 12-оят).

Агар вафот этган эрнинг фарзанди бўлса, хотин у қолдирган молнинг саккиздан бирини — (12.5% ини) олади. Ояти каримада бундай марҳамат қилинади: **«Агар фарзандингиз бўлса, у (хотин)ларга сиз қолдирган (мерос)нинг саккиздан бири тегур»** (Нисо сураси, 12-оят).

Агар хотинлар бирдан ортиқ бўлса, юқорида айтилган улушларни тенг бўлиб олишади.

САВОЛ: Намознинг фарзлари нечта?

ЖАВОБ: Намоз фарзлари иккига бўлинади: намозни бошлашдан олдин адо этилиши лозим бўлган фарзлар ва намоз ичида адо этиладиган фарзлар. Намозни бошлашдан олдин адо этилиши лозим бўлган фарзлар олтига: баданнинг ҳадас (киши танасидан чиқадиган нопок нарсалар) ва нажаслардан пок бўлиши, кийим ва намоз ўқийдиган жойнинг нажосатлардан пок бўлиши, қиблага юзланиш, ният, намоз вақтининг кириши.

Намознинг ичидаги фарзлар: такбири таҳрима, фарз ва вожиб намозларни тик туриб ўқиш, Қуръони каримдан (бир узун ёки уч қисқа оят) қироат қилиш, руку қилиш, сажда қилиш, намознинг охирги қаъдасида ташаҳҳуд микдорича ўтириш («Ал-Мухтор», «Ҳидоя», «Фатавои хиндия»).

7-бетда

مَا شَاءَ اللَّهُ لَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ

1. Кимки: “Машааллоху лаа қуввата илла биллаҳ” деса, кўз тегишидан омонда бўлади. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Сен боғингга кирганингда: “Аллоҳ хоҳлаган нарсасига (бўлур), бор куч-қувват ёлғиз Аллоҳ биландир”, деганингда эди...» (Каҳф сураси, 39-оят).

حَسْبُنَا اللَّهُ وَنِعْمَ الْوَكِيلُ

2. Кимки: “Ҳасбуналлоху ва ниъмал вакийл”, деса, ёмонликдан омонда бўлади. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Уларга одамлар: “Сизларга қарши одамлар

Тўрт калимани кўп айтган омонда бўлади

(лашкар) тўпладилар. Улардан қўрқингиз!” деганларида, (бу гап) уларнинг иймонларини янада зиёда қилди ва айтдиларки: “Бизга Аллоҳнинг ўзи кифоя. У вакилликка ўта лойиқдир!” (Шундай қилиб) улар (Бадрдан жангсиз) Аллоҳнинг неъмати ва фазли ила бирор ёмонликка учрамай қайтдилар...» (Оли Имрон сураси, 173–174-оятлар).

وَأَفْوُضْ أَمْرِي إِلَى اللَّهِ

3. Кимки: “Уфаввидзу амри илаллоҳ” деса, инсонларнинг макридан омонда бўлади. «Мен ўз ишимни Аллоҳга топшируман. Зеро, Аллоҳ бандаларини кўриб турувчидир. Бас, Аллоҳ уни уларнинг ёмон макрларидан сақлади...» (Ғофир сураси, 44–45-оятлар).

لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ

4. Кимки: “Лаа илаҳа илла

Анта, Субҳанака, инний кунту миназ золимийн” деса, ғам-қайғудан омонда бўлади. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Зуннуннинг... қоронғи зулматлар ичра: “Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Сен (барча) нуқсонлардан покдирсан. Дарҳақиқат, мен (ўзимга) зулм қилувчилардан бўлдим”, деб нидо қилган (пайтини эсланг!) Бас, Биз унинг (дуосини) ижобат қилдик ва уни ғамдан қутқардик. Биз мўминларга мана шундай нажот берурмиз» (Анбиё сураси, 87–88-оятлар).

Саҳобалар ҳаёти

Бошини ўпиш вожиб бўлган зот

Худайбия сулҳидан кейин Набий алайҳиссалом Исломга чорлаб, бошқа давлатлар ҳукмдорларига мактуб йўлладилар.

Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоху анху Форс ҳукмдори Кисрога мактуб элти. У Кисронинг ҳузурига бориб, кириш учун изн сўради.

Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоху анху шоҳ ҳузурида бошини тик тутган ҳолда турарди. Унинг сиймосида Ислом динининг салобати, қалбида эса эътиқодига бўлган юксак ишончи кўриниб турарди. Шоҳ хизматчиларига мактубни олишни буюрди.

Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоху анху бунга қарши чиқди: “Йўқ, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам мактубни кўлингга беришимни амр этганлар! У зотнинг амрларини бузмайман”, деди.

Элчи мактубни подшоҳга топширди. Кисро котибига уни ўқишни амр этди: “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Аллоҳнинг расули Муҳаммаддан Форс халқининг буюги Кисрога!..”

Шу жумлалар ўқилиши билан шоҳнинг ғазаби кўзиб, бўйин томирлари бўртиб чиқди. Чунки хат унинг эмас, Пайғамбар алайҳиссаломнинг исмлари билан бошланган эди. Бақирди, чақирди. Шунда Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоху анху бундай деди: “Эй Форс халқи! Умр аталмиш санокли кунларни пайғамбарсиз, китобсиз ўтказасиз, тушдагидек ҳаёт кечирасиз! Ҳолбуки, Ер юзининг сиз ҳукм юритаётган қисми анча тор. Эй Кисро! Сендан аввал қанчадан-қанча дунё ва охират ҳукмдорлари ўтди. Охират ҳукмдорлари бу дунёдан ҳам насибаларини олдилар. ...Сизлар биз келтирган бу ишдан нафратланиб, назарингизга илмаяпсиз. Лекин, Худо ҳаққи, қаерда бўлсангиз ҳам, сиз назарингизга

илмаган нарса ҳузурингизга келса, ундан қўрқасиз ва ҳимоялана олмайсиз!”

Кисро унинг бу сўзларини тингламайдиган даражада жаҳл отига минган эди: “Буни қара, қулим менга мактуб ёзипти! Ахир мулк, салтанат соҳиби менман! Фиръавн Бани Исроилни кул қилган эди. Сиз улардан яхши ҳам, кучли ҳам эмассиз. Сизни зудлик билан ўз ҳукмронлигим остига олишимга нима тўсқинлик қилади? Мен Фиръавндан яхшироқ ва кучлироқман!”

Кисро хатни олиб, охиригача ўқимай йиртиб ташлади, одамларига элчини ташқарига чиқариб ташлашни буюрди. Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоху анху туясига ўтириб кетаркан, ўзига ўзи деди: “Худо ҳаққи, менга икки йўлдан қай бири насиб қилса, ғам чекмайман. Расулulloҳ алайҳиссаломнинг буйруқларини бажардим”.

Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоху анху Мадинага келиб, вазиятни Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламга билдирди.

Кисронинг мактубни жаҳл устида йиртиб ташлаганини айтганида, Расулulloҳ алайҳиссалом: “**Парча-парча бўлсинлар! У менинг мактубимни парчалаганидек, Аллоҳ унинг салтанатини парчаласин! Ўз қўли билан ўз салтанатини парчалаб юборди!**” дедилар.

Бир кеча Кисрони ўғли ўлдирди ва Форс давлати парчаланиб кетди.

Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоху анху Умар розияллоху анху даврида Византияга қилинган юришда мусулмонлар билан асир тушди. Византияликлар асирларга насронийликни қабул қилса, озод этишларини, қабул қилмаса, турли қийноқлар билан ўлдирилишларини айтишди.

Қирол Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоху анху бундай деди: “Агар насронийликни қабул қилсанг, озод бўлганингдан кейин сенга қизимни бераман ва мулкимга шерик қиламан”.

– Бутун Византия тупроқлари тугул, араб ва ажам тупроқларини кўшиб берсанг ҳам, динимдан қайтмайман!

– Ундай бўлса, ўлдириласан!
– Жонимни олишга кучинг етади. Бироқ қалбимдан эътиқодимни олишга етмайди!

Қирол мақсадига ета олмаса, Абдуллоҳ розияллоху анхуни хоҳга михлатди. Камончилар унинг қўллари ва оёқлари яқинига ўқ ёғдирдилар. Айни замонда бир қозон сув қайнатилди. Насронийликни қабул қилмаган бир мўмин қозонга ташланди. Барча бу манзарага гувоҳ бўлди. Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоху анху қозон бошига келтирилди. Шу пайтда Абдуллоҳ розияллоху анху йиғлай бошлади. Қирол уни кўрқди, деб ўйлаб, динига чақирди. Рад жавобини олгач, сўради: “Ундай бўлса, нега йиғлаяпсан?” “Биз мўминлар Аллоҳ йўлида ўлишдан кўрқмаймиз. Йиғимнинг сабаби бошқа. Бошимдаги сочим толаларича жоним бўлсаю, барчасини диним йўлида фидо этсайдим, дея хаёл қилдим. Шу тушунча мени йиғлатди”, деб жавоб берди саҳоба. Ислом шарафига муносиб тарзда айтилган бу сўзни эшитгач, қирол яна бир тақлиф билдирди: “Бошимдан ўпасан, сени озод этаман!”

Византия мулкининг қаршисида иймонидан кечмаган Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоху анху бир насронийнинг бошини қандай ўпсин?! Аксинча, бундай тақлиф берди:

– Агар барча мусулмонларни озод этсанг, шартингни бажараман!

Қирол рози бўлгач, Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоху анху унинг бошини ўпишга шайланаркан: “Бу одам, Аллоҳ душманларидан бири. Мусулмон биродарларимни қутқариш учун қилаяпман бу ишни”, деб ўйлади.

Саҳоба шартни бажарди. Қирол ҳам сўзида туриб 80 нафар мусулмонни озод қилди. Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоху анху унинг иймон йўлидаги фидокорлиги, матонатини 80 нафар мўминнинг озод этилишига сабаб бўлди. Мадинага қайтган мусулмонларни кутиб олган ҳазрат Умар розияллоху анху Абдуллоҳ розияллоху анхуни табриқлади ва тўпланганларга қарата: “Абдуллоҳ қиролнинг бошини ўпиб, 80 мусулмон биродарини озод этилишига васила бўлди. Шу сабабли Абдуллоҳнинг бошидан ўпиш ҳар бир мусулмонга вожиб бўлди. Аввал мен ўпаман!” деди ва унинг бошидан ўпди.

Абдуллоҳ ибн Ҳузофанинг ота томондан насаби ҳазрат Луайда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламга, она томондан эса Бану Ҳориса уруғига боғланади. Икки марта Ҳабашистонга ҳижрат қилди. Бадр жангидан кейин Мадинага келди. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан бирга барча ғазотларда иштирок этган Абдуллоҳ розияллоху анху бир гал Аллоҳ Расули тартиблаган 50 кишилиқ сарияга қўмондан этиб тайинланган.

Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоху анху ҳазрат Усмон ҳалифалиги даврида Мисрда вафот этди.

Аллоҳ барча саҳобалардан рози бўлсин!

✍ **Исломбек АНОРБОВ,**
Зангиота тумани “Фатҳ” жоме масжиди
имом ноиби

Иброҳим алайҳиссаломнинг туши

Орадан йиллар ўтиб, Иброҳим алайҳиссалом Маккага қайтди. У ерда ногоҳон Исмоил ва Ҳожарни учратиб, хурсанд бўлиб кетди. Исмоил анча улғайган, югуриб, ўйнаб юрарди. Улар яна бирга яшадилар. Иброҳим алайҳиссалом Ҳожарга айрича муҳаббат кўрсатар, ўғлини эса ҳар куни сайрага олиб чиқиб, оталик меҳрини аямасди. Уни шу қадар яхши кўрар эдики, иккиси бир-бирини кўрмаса туролмасди.

Тунларнинг бирида Иброҳим алайҳиссалом туш кўрди. Унда Исмоилни қурбонлик қилаётган экан. У чўчиб уйғонди. Ахир Исмоилни қаттиқ суяди. Иброҳим алайҳиссалом ўйга

толди. У ҳақ пайғамбар, туши ҳам рост эди. Шу боис Аллоҳнинг иродасини бажо келтиришдан бошқа чораси йўқ эди.

Иброҳим алайҳиссалом Исмоилга шундай деди: “Мен тушимда сени сўяётганимни кўрмоқдаман, боқиб кўр, нима дейсан?”. Исмоил: “Эй отажон! Сенга амр этилганни бажар, иншоаллоҳ, мени сабр қилгувчилардан топурсан”, деб жавоб берди.

У Исмоил билан йўлга чиқди ва Минога етганларида, ўғлини қурбон қилишни хоҳлади. Исмоил ерга (худди ухлаганга ётгандек) ётди. Иброҳим алайҳиссалом пичоқни Исмоилнинг халқумига қўйди. Аллоҳ

таоло Иброҳим алайҳиссалом ўзи буюрган ишни қиладими ёки йўқми, шунини кўришни ислади. У Аллоҳни кўпроқ яхши кўрадими ёки ўғлини? Ота ушбу имтиҳондан муваффақиятли ўтди. Аллоҳ Жаброил алайҳиссаломни жаннатдан бир кўчқор билан юбориб, шундай деди: Сен буни сўйгин, Исмоилни сўймагин. Аллоҳ Иброҳим алайҳиссаломнинг қилган ишини хуш кўрди ва мусулмонларга Қурбон ҳайитида қурбонлик қилишни буюрди.

Иброҳим Халилulloҳга Аллоҳнинг салавати ва саломлари бўлсин!

Унинг ўғли Исмоилга ҳам салават ва саломлар бўлсин.

Кунларнинг бирида Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломнинг кўнглига ёлғиз Ўзига ибодат қилинадиган бир уй қуриш истагини солди. Зотан, шаҳарда уйлар кўп, лекин Аллоҳга ибодат қилинадиган байт йўқ эди. Ўғли Исмоил иккови тоғдан тош ташиб, Каъбани бунёд этишга киришди. Улар меҳнат ва машаққат ила Каъбани қуришар, Аллоҳ таолони зикр этар ва У Зотга дуо қилишдан тўхтамасдилар: **“Раббимиз, биздан қабул эт, албатта,**

Каъба

Сенинг Ўзинг эшитувчи, билувчи Зотсан” (Бақара сураси, 127-оят).

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссалом ва Исмоилнинг дуоларини қабул этиб, Каъбани баракотли қилди. Шундан сўнг мусулмонлар ҳар намозда унга юзланиб, ибодат қилдилар, тавоф қилиш учун ошиқдилар. Бугун ҳам бутун дунё мусулмонлари Каъба томон

интиладилар, у ерда намоз ўқишни, Аллоҳ таолога ибодат қилишни энг улуг орзу ва савобли амал деб биладилар. Аслида буларнинг барчаси Иброҳим алайҳиссалом ва ўғли Исмоилнинг Яратган Зотга қилган дуолари ижобатидир.

Шу боис ҳам мўмин киши Иброҳим алайҳиссаломга, ўғли Исмоилга ҳамда суюкли пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга Аллоҳ таолонинг салавати ва саломларини йўллаб туришлари лозим.

Байтул Мақдис

Иброҳим алайҳиссаломнинг Сора исмли аёлидан бошқа хотини ҳам бор эди. Исҳоқ ана шу аёлидан туғилган. Иброҳим алайҳиссалом Исҳоқ билан Шом (ҳозирги Сирия)да яшардилар. Исҳоқ отаси ва акаси Маккада қурганлари каби Шомда ҳам Аллоҳ учун уй

қурди. Бу Байтул Мақдисдир. Аллоҳ таоло Каъба атрофига барака ёғдиргани каби Масжидул Ақсога ҳам, унинг бунёдкори Исҳоқ авлодларига ҳам барака берди. Улардан пайғамбарлар, подшоҳлар етишиб чиқди. Исҳоқнинг Яқуб исмли ўғли бўлиб, у ҳам пайғамбар эди.

Яқубнинг ўн икки ўғилларидан бири Юсуф ибн Яқубдир. Юсуф ҳақида Қуръони каримда ажойиб қисса бор. Сизларга ушбу қиссани тақдим этамиз. (Давоми бор.)

Абул Ҳасан Али Ҳасан Надавийнинг “Пайғамбарлар қиссаси” китобидан
Анвар АҲМАД таржимаси

Газетхон илҳами

Гумроҳ банда

Намозни ёд ол хотира кетмасидан,
Ўқиб қол умринг поёнига етмасидан.
Қариган чоғингда хўп мушкулдир ёдлаш,
Лек ўтмас қариман деб ўзингни оқлаш!
Одамларга ўзингни оқлай оласан,
Аммо Аллоҳ қошида ожиз қоласан!
Хўш, қани, нима деб оқлайсан ўзинг?
Фурсатинг борлигида очсанг-чи кўзинг!
Соддаларни ва ўзингни алдай оласан,
Аммо Аллоҳ қошида тошдай қотасан!
Савол-жавоб чоғида сенда жавоб йўқ,
Баҳонанг ўтмас, жазонг – олов ҳамда чўғ!
Ёлғону баҳонани қилмадинг қанда –
Дўзахдан қўрқмайсанми, эй гумроҳ банда!

Курдош ОДИНАЕВ,
Ангрен шаҳри

Илоҳий хабар

Ёшинг ўтса етмишдан,
Хабар келар кетмишдан.
Ҳайронлик ичра боқма,
Ибрат олгин ўтмишдан.

Жарчи бўлмас айтувчи,
Нома ёзмас ёзувчи.
Ақлинг билан билурсан,
Ахир сенсан кетгувчи.

Соч-соқол мисоли қор,
Бел-оёқ-чи – бемадор.
Жигар, буйрак, ошқозон,
Юрак сўрар шиғокор.

Кўриб ўзинг қойил бўл,
Кетмоқ учун ҳозир бўл.
Тавба қилиб Аллоҳга,
Ибодатда қоим бўл.

Қодирали АБДУРАИМОВ,
Шаҳрихон шаҳри

Масала

5-бетда

САВОЛ: Жамоат намозига улгуриш мақсадида масжидга югуриб бориш жоизми?

ЖАВОБ: Жамоат намозига улгуриш учун югуриб борилмайди, балки оҳиста ва виқор билан борилади. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **“Намозга иқомат айтилганда унга югурманглар. Балки унга босиқлик ва виқор билан юриб боринглар. Етишганингизни (имом билан бирга) ўқинг, етиша олмаганингизни эса (ўзингиз) яқунлаб қўйинг”** (Имом Муслим ва Имом Абу Довуд ривояти).

САВОЛ: Кечикиб келган кишининг жамоат намозига қўшилиш тартиби қандай?

ЖАВОБ: Кечикиб келган киши имомга иқтидо қилиб жамоат намозига қўшилиши керак. Агар имом овоз чиқариб қироат қилаётганда иқтидо қилса, сано (“Субҳанакаллоҳумма...”)ни ўқимайди. Имом салом бергач, туриб “сано”, “аъзу” ва “бисмиллаҳ”ни айтиб ўтказиб юборган ракат(лар)ни ўқийди.

Агар имом овозини чиқармай қироат қилаётганда иқтидо қилса, санони ўқийди.

Масжидга кирганида имом руку ёки сажда қилаётган бўлса, ният қилиб, имомга эргашади. Имом руку қилаётганда унга иқтидо қилган киши ўша ракатга етган ҳисобланади. Агар ният қилгунича имом рукуни адо этиб қўйса, ўша ракатга етолмаган бўлади.

Тўрт ракатли намознинг тўртинчи ракатига етишган киши имом салом берганидан кейин туриб, “сано”, “аъзу” ва “бисмиллаҳ”ни айтиб, Фотиҳа ва замсура ўқийди, сўнг руку-сажда қилгач, ташахҳудга ўтиради. Чунки бу унинг учун қироат борасида биринчи, ташахҳуд борасида иккинчи ракат ҳисобланади. Ташахҳуддан турганида яна Фотиҳа билан замсура ўқийди, руку-сажда қилади ва кейинги ракатга туради. Унда фақат Фотиҳа сурасини ўқиб, руку-сажда қилади ва ташахҳудни ўқиб, салом бериб намозни تامомлайди (“Фатавои ҳиндия”, “Шарҳу виқоя”).

САВОЛ: Мен Россияда ишлайман. Руслар тайёрлаган овқатни есам бўладими?

ЖАВОБ: Уламоларимиз аҳли китоблар сўйган жонлиқни ейиш жоизлигига иттифоқ қилишган. Қуръони каримда марҳамат қилинади: **«Бугун сизлар учун покиза нарсалар ҳалол қилинди. Шунингдек, аҳли китобларнинг таоми сизлар учун ҳалол ва таомингиз улар учун ҳалолдир»** (Моид сураси, 5-оят). Ибн Аббос, Абу Умома, Мужоҳид розияллоҳу анхум: “Уларнинг таомлари сўйган жонлиқларидир”, деганлар (“Тафсири ибн Касир”). Аҳли китоблар ҳам жонлиқ сўйишда динлари кўрсатмасига мувофиқ Аллоҳнинг номини зикр қилиб бўғизлашган бўлса, сўйилган жонлиқ гўшти ҳалол бўлади. Агар бўғиб ё уриб ўлдиришса, ҳалол бўлмайди. Яратганнинг номини айтиб, молнинг икки шоҳтомирини, қизил ўнгачини ва кекирдагини кесиб, қонини оқизиш билан гўшти ҳалол бўлади. Гўшт, гўшт маҳсулотлари қўшилмай тайёрладиган таомларни бемалол истеъмол қилишингиз мумкин.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази. Тел. 78-150-33-44



Болаларимизга нимани ўргатяпмиз?

Азиз муштарий, эътиборингизга “Ҳикмат – мўминнинг йўқотгани...” номли янги рукни ҳавола этмоқдамиз. Бу рукни ҳам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг **“Ҳикмат – мўминнинг йўқотган нарсаси. Уни қаерда топса, олсин”** (Имом Ибн Можа ривояти), ҳадисларига асосланиб топдик.

Мўмин киши ҳаётида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан доимо ибрат чиқариши лозим. Ақлли мўмин эса, нафақат ўзининг, балки атрофидаги инсонларнинг хатолари ва камчиликларидан ҳам хулоса чиқаради ва бу синов дунёсидаги имтиҳонидан муваффақиятли ўтади.

Ушбу рукнда бизлар йўлларда кўрган воқеалардан чиқарган ибратларимизни қаламга олишни мақсад қилдик.

Сиз азизлардан ҳам мақолалар кутиб қоламиз.

Ишга шошяпман. Бекатлар тўла одам. Автобуслар тиқилинч... Метрода ҳам аҳвол шу. Одамлар бир-бирларини итарган, туртган, қўполлик қилган...

Поезд келди. Одамлар бир-бирларини итариб, шошиб вагонларга отилиб кирди. 40–45 ёшлардаги аёл барчадан аввал вагонга кириб, ўтирди ва ёнидан икки жойни банд қилди. Бироз вақт ўтиб, бўй етган қиз ва йигит (афтидан фарзандлари бўлса керак) одамлар орасидан суқилиб ўтиб, ушбу жойларни эгаллашди. Беш-олти ўрта ёшли аёл, бир оғироек аёл, 45–50 ёшлар, ундан-да каттароқ эркаклар, тиқилинч сабабли мен кўра олмаган яна қанча катта ёшли инсонлар тик оёқда...

Иккиқат аёлга 45 ёшлардаги бир эркак жой берди. Ўша кундан бери қачон

жамоат транспортига чиқсам, битта савол қийнайди: “Болаларимизга нимани ўргатяпмиз?!”

Уламоларимиз тарбиянинг энг гўзал услуби – ўрнак кўрсатиш, деганлар. Буни ҳаётимда синадим ва аксар ҳолларда болаларимни менинг сўзларимни сўзлаётганини, ҳаракатларимни такрорлаётганини кўраман. Шу сабабли кейинги пайтларда болаларимга уни қилма, буни қилма дейиш ўрнига энг чиройли ўрнакни кўрсатишга ҳаракат қилмоқдаман.

Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу: **“Эҳсонни болаларингизнинг қўли билан қилинг! Уларга эҳсон қилишни ўргатинг”**, деган. Бу сўзга ҳам амал қилиш ҳаракатидаман. Бугун болаларим кўчада ёрдамга муҳтож инсон кўрсалар, ёрдам берайлик, дейишади.

Бироқ кузатилаётган ай-

рим ёмонликларни ҳам болаларим мендан ўрганаётганлари ҳақиқат... Худди ўзидан катта инсонлар тик турганда хотиржам ўтиришни онасидан ўрганаётган икки фарзанд каби...

Болаларимизнинг 10–15 дақиқали роҳатини ўйлашдан аввал, уларга одобсизликни “ўргатаётганимизни” ҳам мулоҳаза қилайлик.

Телефондан эртадан-кечгача гаплашиб ибодатларни, умрларни зое қилаётганимизни, бунинг устига оғир гуноҳ – ғийбатни елкамизга олиб, бунинг таълимини бераётганимизни ҳам унутмайлик.

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳар бир хатти-ҳаракатимизни олдиндан етти ўлчаб, бир кесайлик, “Болаларимизга нимани ўргатяпмиз?!” деган саволни ўзимизга бериб кўрайлик!

Нигора МИРЗАЕВА

Ибрат

Турдикул тоға кампири билан оғилхонада ғимирлаб юрибди.

Уларнинг “Олаҳон” лақабли сигири бор. Гавдали, калласи катта, шохлари узун, сирти ялтирайди. Аммо жуда сузонғич. Сигирни подага қўшиб кўришди. Феъли тез “Олаҳон” бошқа моллар билан сузишиб, подачи йигитни безор қилди. Шу-шу уни подага қўшмайдиган бўлишди. Энди чол-кампири эртаю кеч “Олаҳон” билан овора.

Жониворни соғишнинг ўзи бир азоб. Пишқириб охурдаги хашакларни тумшуғи билан сочиб юборади. Думи билан кампирни тинимсиз “савалайди”. Энди соғиб бўлдим деганда пақирни тепиб ағдаради. Чора сифатида думини чилвир билан шохига, орқа чап оёғини устунга боғлаб кўядиган бўлишди. Фақат арқон эскириб қолган эди...

Бугун ҳам минг машаққат билан соғиб олишди. Ипдан бўшатишдан бузоқча онасининг елинини тортқилай кетди. Сигир боласини

Эски арқоннинг зарари ёки нафс жиловига ҳақида

ялаб-юлкашга тушди. Роса тўйиб эмган бузоқча “мў”лаб оғилхонани бир айланди. Кейин очик турган эшикдан ҳовлига, ҳовлидан кўчага думини гажак қилиб шаталоқ отиб қочди. Кампир хаёл билан эшикни очик қолдирганидан ўқинди. Боласига алафда бўлган “Олаҳон” арқонини жони борица бир-икки тортган эди, узилиб кетди. Бузоғининг ортидан ўқдай учди. Ҳовлида ётган тўрткўз ақиллаб изидан чопди.

– Ҳой отаси, сигирни ушланг! – деди кампир юзидан оқиб тушаётган терларини сидириб.

Чол қўлида хашак билан ҳовлиқиб оғилхонага кириб келди.

– Кўчага чиқиб кетди! – додираб қолган кампир ташқарига ишора қилди. Чол ёлдираганча чопиб кетди. Турдикул тоға серкатнов йўл бўйида сигирини шохидаги арғамчисидан ушлаб олди: “Олаҳон”,

тўхта, қаёққа кетяпсан? Аста-фируллоҳ, бас қил! Бола деса, ўлигингни осмондан ташлайсанми?!» “Олаҳон” у ёқдан-бу ёққа ўзини уриб, Турдикул тоғани судраб кетди. Эгасининг қўлидан бўшалиб, тез келаётган машина кетидан йўлнинг нариги томонига ўтиб олди. Йўл ўртасига чиқиб қолган Турдикул тоғани тўсатдан юк машина уриб юборди. Фалокат кўз очиб-юмгунча рўй берди. Кампири етиб келганида, чол жон таслим қилган эди. Момо даҳшатдан эс-хушини йўқотди, дод солиб ўзини эрининг устига ташлади...

Қиссадан ҳисса: озгина эътиборсизлик катта йўқотишга сабаб бўлди. Инсон нафси ҳам шунга ўхшайди. Қаттиқ жиловламасангиз, у ҳам қайсар сигирдек сизни ортидан судраб кетиб, бирор фалокатга йўлиқтириши ҳеч гап эмас.

Фазлиддин АБДУНАЗАРОВ,
Қува тумани.

Шифо Аллоҳдандир

Томоқ оғриганда

Томоқ оғриғидан қутулиш учун ушбу халқона усулни қўллаш мумкин: 1 косача хом лавлагига майда тишли қирғичдан чиқариб олинадиган, кейин унга 1 ош қошиқ олма сиркаси қўшилиб, 4 соат тиндирилади. Сўнгра шарбати ажратиб олиниб, ҳар тонгда томоқ чайқалади.

Йўтал қийнаса...

Иситмада, томоқ оғриғи, нафас қисилиши ва йўталда киви, майдаланган анис ва асалдан тайёрланган шарбат фойда беради. Уни паст оловда озгина қайнатиб олинг. Кунига 5–6 марта 1 чой қошиқдан истеъмол қилинг.

Иммунитетни кўтаришда 2 та мевани сиқиб, шарбатини ичсангиз кифоя. Нордонлиги ёқмаса, сабзи ёки ширин олма шарбати қўйиш мумкин.

Гриппга чалинганда

1 стакан қайнаётган сутга 1 дона пиёз, 2 бўлак майдаланган саримсоқни ташлаб, 5 дақиқа қайнатинг. Сузиб олинг, ҳарорати озроқ пасайгач, 1 ош қошиқ асал қўшиб, совиб қолмасидан ичинг.

Қон босими ошганда

Кичик чойнакка 1 чой қошиқ зира ва 1 чой қошиқ кўк чой солиб, устидан қайнатилган сув куйинг. Уни 10 дақиқа тиндириб қўйилгач, чой ўрнида истеъмол қилинади. Муолажа бир ой бажарилади.

Кўз хиралашганда

1 ош қошиқ майдаланган петрушка, 1 чой қошиқ куркума 1 стакан қайноқ сувга солинадиган ва 20 дақиқа дамлаб қўйилади. Суздириб, 2–3 ҳафта эрталаб ичилади.

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Шамсуддин Нури

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Jaloliddin HAMROQULOV
Obidjon QODIROV
Uyg'un G'OFUROV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURXONOV

Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi
Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIDDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent – 100069, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda
0017-raqam bilan
ro'yxatga olingan.
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:
To'liq SHERNAYEV
Musahhiha:
Zabo OMONOVA
Sahifalovchi:
Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi:
14.12.2023
Xulosa (№03-07/9517) olindi:
25.12.2023
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU
bosmaxonasida chop etildi.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!